

9. Майкл Портер. Конкурентная стратегия. Методика анализа отраслей и конкурентов. 5-издание. Издательство-Альпина Паблишер, 2016 г. 456 с.
10. Майкл Портер. Международная конкуренция. Конкурентные преимущества стран. Издательство-Альпина Паблишер, 2017 г. 947 с.
11. Michael E. Porter. Competitive strategy: Techniques Analyzing Industries and Competitors. The free press. New York London Toronto Sydney Singapore. 2017 y. 840 p.
12. Чиркунов Олег Анатольевич Государство и конкуренция; Новое литературное обозрение (НЛО) - М., 2016. - 277 с.
13. Кулешова А. Б. Конкуренция в вопросах и ответах; ТК Велби, Проспект - М., 2016. -256 с.
14. Овчинников, В.В. Глобальная конкуренция. -М.: Институт экономических стратегий, 2016. -360 с.
15. Яхшиева М.Т. Ҳозирги заман рақобат назарияси: Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2019. -280 бет.

ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ТЕХНОЛОГИЯСИННИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Акрамов Набижон Шоражабович -
Тошкент түқимачилик ва енгил саноат
институти мустақил изланувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада инновацион иқтисодиёт шароитида түқимачилик корхоналарини стратегик бошқариш технологияси замонавий бошқарув дастакларини танлаш ва босқичларини кенгайтириши асосида такомиллашириши масалалари ўрганилган.

Калим сўзлар: инновацион иқтисодиёт, бошқаруш, стратегик бошқаруш, бошқаруш дастаги, бошқаруш технологияси.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ СТРАТЕГИЧЕСКОГО УПРАВЛЕНИЯ НА ТЕКСТИЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

Акрамов Набижон Шораджабович -
Независимый исследователь Ташкентского института
текстильной и легкой промышленности

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы совершенствования технологии стратегического управления текстильными предприятиями в инновационной экономике на основе выбора современных управленческих инструментов и расширения её этапов.

Ключевые слова: инновационная экономика, менеджмент, стратегическое управление, управленческое обеспечение, технологии управления.

IMPROVEMENT OF STRATEGIC MANAGEMENT TECHNOLOGY IN TEXTILE ENTERPRISES

Akramov Nabijon Shorajabovich -
Independent researcher at the Tashkent
Institute of Textile and Light Industry

Annotation: The article examines the issues of improving the technology of strategic management of textile enterprises in an innovative economy based on the choice of modern management tools and the expansion of its stages.

Key words: innovative economy, management, strategic management, management support, management technologies.

Кириш. Республикаизда мустақиллик йилларида түқимачилик саноати бошқарув тизими шакллантирилди ва унинг ривожланишига етарлича инвестициялар жалб қилинди. Түқимачилик саноатини ривожлантириш учун республикаизда етарлича шароит ҳамда хомашё базаси ва меҳнат ресурслари мавжуд. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модер-

низация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган[1]. Бу каби устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш билан биргаликда бошқарув тизимини ҳам ривожлантириш талаб этилади. Тармоқни бошқаришдаги мавжуд тизим эса бозор иқтисодиёти ўзгаришларига етарлича мосланувчанликни таъминлаб олмаяпти. Шунинг учун түқимачилик корхоналарида стратегик бошқаруш технологиясини замонавий бошқарув дастакларини

тәнлаш ҳамда босқычларини кенгайтириш асосида тақомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Стратегик бошқарув илмий йұналиш ва менежментни ташкил этишга инновациян ёндашув сифатида 20-асрнинг 60-йилларида пайдо бўлди. Бироқ, шу вақтга қадар стратегик бошқарув энг аввало қуий даражадаги - корхоналар, фирмалар, ташкилотлар каби бозор субъектларини бошқариш вазифаси сифатида қаралади.

И.Ансофф ўзининг “Корпоратив стратегия” китобида стратегик бошқарувни “билиш усули, унинг бошланиши стратегик ташхис, давоми-қўшимча чора-тадбирлар йўли ва авж нуқтаси - янги маҳсулотлар, янги бозорлар ва технологиялар, шунингдек, янги имкониятлар”- сифатида талқин қиласди [2].

В.Н.Родионова стратегик бошқарувни “стратегик қарорларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш жараёни, унинг марказий бўғини корхонанинг ўз ресурс салоҳиятини ташки мухитнинг имкониятлари ва таҳдидлари билан таққослашга асосланган стратегик тандовdir”, - деб тушунади [3].

М.И.Круглов ва Н.Ю.Кругловалар фикрича: “стратегик бошқарув олдиндан кўриш уфқларини кенгайтириш, узоқни мустаҳкамлаш ва шу билан корхонанинг ташки мухитда: товар ва технологиялар бозорларида, илмий-техник, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда содир бўладиган ўзгаришларга ўз вақтида жавоб бериш имкониятидир” [4].

Г.Б.Клейнернинг таърифига кўра, “стратегик бошқарув - бу бизнес муваффақиятига эришиш учун компания стратегиясини шакллантириш, амалга ошириш ва ўзгаришиш жараёнларига асосланган корхонани бошқариш бўйича қарашлар ва тавсиялар тизимиdir” [5].

Хоффер ва Шенделларнинг фикрича эса, “стратегия - бу корхонанинг ўз олдига қўйган мақсадлари ва вазифалари ўртасидаги асосий алоқадир” [6].

Р.А.Исаев томонидан эса тўқимачилик саноати корхоналарида интеграциялашган сифат менежменти ва стратегик бошқариш тизими-нинг концептуал асослар үрганилган [7].

Тадқиқот методологияси. Илмий-тадқиқот ишида тажриба-экспериментал, танлаб кузатиш, таққослаш, эксперталар баҳоси каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунга келиб, юқорида қайд этиб ўтилганидек, корхонанинг стратегик бошқарув тизими мазмунининг мунозарали илмий талқинларини саноат корхоналари самарадорлигини таъминлашда ушбу тизимнинг назарий ва амалий аҳамиятини англаш йўлидаги тўсиқлардан бири сифатида қараш мумкин. Бизнингча, тўқимачилик корхоналарининг иш фаолияти самарадорлиги қўпинча уларнинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш самарадорлигига боғлиқ бўлади. Тез ўзгарувчан мухитда муваффақиятга фақат ўз стратегиясини аниқ тақдим этадиган ва уни ишлаб чиқиш ва муваффақиятли амалга оширишни таъминлай оладиган корхоналар эришадилар. Замонавий иқтисодий шароитда корхонани бошқариш раҳбарлардан стратегик менежмент соҳасида янги усул ва кўнималарни эгаллашни ҳамда ривожланиш стратегиясини бошқариш соҳасида замонавий восита ҳамда дастаклардан фойдаланишни, бошқарув технологиясини тақомиллаштиришини талаб этади.

Бошқариш технологияси - бу ҳозирги даврда ва стратегик истиқболда корхонанинг олдига қўйган мақсадига эришишда бошқариш жараёнини ташкил этишдаги зарурый ресурсларнинг муқобил тақсимланишидир. Шундан келиб чиқиб, тўқимачилик корхоналарини стратегик бошқариш технологиясининг ўзига хос жиҳатлари ресурслар таъминоти ҳамда улардан фойдаланишнинг ҳолати билан изоҳланади (1-расм).



1-расм. Стратегик бошқарув технологияси компонентлари

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Тадқиқот жараёнида стратегик бошқарув технологиясини такомиллаштириш масаласи шу келтирилган компонентларни такомиллаштириш масаласига қаратылған.

Амалиёт шуни күрсатадыки, республика-
миз түкимачилик корхоналарининг аксарияти
узоқ муддатли ривожланиш стратегиясига эга
эмас ёки фақат шунга ўхшаш стратегия билан
бошқарилади. Бизнинг фикримизча, түкимачи-
лик корхоналарининг самараали узоқ муддатли
стратегиясини ишлаб чиқишга қўйидагилар
тўскىнлик қиласди:

- 1) стратегик истиқболли йўналтирилган эгасининг йўқлиги;
 - 2) кўп соҳаларда мулкнинг қайта тақсимланиси давом этмоқда, бу эса корхонани бошқарув тизимининг ўзгаришига олиб келади;
 - 3) стратегиянинг қийматини мулк эгалари ва етакчи менежерлар томонидан инобатга олиш;
 - 4) акциядорлар томонидан илгари қўйилган мақсадларни тез-тез ўзгартириш;
 - 5) узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш учун малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;
 - 6) саноат бозорларида бир қатор йиллар давомида статистик маълумотларнинг етишмаслиги ва ошкор этилмаслиги;
 - 7) стратегияларни ишлаб чиқиш услубининг такомиллашмаганлиги.

8) стратегик бошқарув технологияси ва усулларининг етарлича такомиллашмаганлиги.


Бу кўп жиҳатдан стратегик бошқарув во-
ситалари ва дастаклари таркибида саноат кор-
хоналарининг самараадорлигини таъминлаш во-
ситаларининг йўқлиги билан боғлиқ. Шу муно-
сабат билан умуман корхона самараадорлиги ва
унинг якка тартибдаги бизнес-жараёнларини
оширишни ҳисобга олган ҳолда стратегик бош-
қарув сифатини ошириш масаласи бугунги кун-
да ўта долзарб қиёфа касб этади.

Шу боисдан, фикримизча, ҳозирги вақтда түқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва рақобатбардошлиги ошишини таъминлашга йўналтирилган истиқболда ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг асосланган ҳамда амалиётда қўлланилган замонавий дастакларини ўз ичига оладиган стратегик бошқарув комплекс тизими зарур.

Биз томондан ишлаб чиқилған тұқымачылық саноати корхоналарини стратегик бошқарыш самарадорлигини ошириш концептуал модели ушбу корхоналарни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқып ва амалга ошириш восита ва дастакларини замонавийлаштириш заурұларын назарда тутувчи стратегик устувор-ликлар тизимини ўз ичига олади (2-расм).

Корхоналарни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш восита ва дастакларини замонавийлаштириш зарурлигини назарда тутувчи түқимачилик саноати корхоналарини стратегия бошқариши самарадорлигини ошириши көнцептуал модели

Саноат корхоналарини стратегик бошқариш самарадорлигини оширишнинг устувор тизими



Концептуал моделни амалга оширишнинг якуний натижаси: бизнес қийматини ошириш

2-расм. Тұқымачылық саноати корхоналарини стратегик бошқариш самарадорлигини ошириш концептуал модели

сайт

Самарали бошқарув механизми компания рахбарларидан муайян воситани құллаш мақсадларини аниқлашни талаб қилади. Ушбу босқич жуда мұхимдір, чунки у муайян восита ёки уларнинг комбинацияси самарадорлигини баҳолаш учун ишлатилади.

Маълумки, самарали бошқарув воситаларини қонун билан жорий этиб бўлмайди, уларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қарор компания рахбарлари томонидан қабул қилинади, улар муайян воситани құллашни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Хуласа ва таклифлар. Тўқимачилик корхонасида бошқарув дастакларини құллаш мақсадлари миқдор ва сифат кўрсаткичларига бўлинади ва бу мақсадларнинг ҳар бирни эришиш вақтига боғлиқдир.

Биз тадқиқот жараёнида стратегик бошқарув воситаларининг мукамаллаштирилган таснифини таклиф қилдик.

Шундан келиб чиқиб, стратегик мақсадларни амалга ошириш мұхим эканлигини, уни амалга ошириш кўпроқ вақтни талаб қилишини ҳамда натижалар холисона баҳоланиши ва ушбу баҳолаш натижалари келгуси стратегик мақсадларга асос бўлиши заририятини инобатта олган ҳолда тадқиқот жараёнида келтирилган бошқарув дастакларидан тўқимачилик корхонаси учун энг самаралиси сифатида баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими (BSC)ни танлаш таклифи берилди. Ушбу бошқарув дастагини амалиётга қўллаш тўқимачилик корхоналарини стратегик бошқаришда нафақат мақсадларни шакллантириш, балки стратегияни амалга ошириш натижаларини баҳолаш имконини ҳам беради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. <http://lex.uz>
2. Миддлтон Д. Библиотека избранных трудов о стратегии бизнеса: пятьдесят наиболее влиятельных идей всех времен [Текст]: [пер. с англ.] / Д. Миддлтон. – М.: Олимп – Бизнес, 2006. – 258 с.
3. Родионова В. Н. Стратегический менеджмент [Текст]: учеб. пособие / В. Н. Родионова. – 2- е изд., испр. и перераб. – М.: РИОР: ИНФРА, 2013. – 78 с.
4. Круглова Н.Ю. Стратегический менеджмент [Текст]: учеб. пособие / Н. Ю. Круглова, М. И. Круглов. – 2- е изд., испр. и перераб. и доп. – М.: Высшее образование, 2007. – 492 с.
5. Клейнер Г.Б. Стратегия предприятия [Текст] / Г. Б. Клейнер. – М.: Дело, 2008. – 567 с.
6. Hoffer C.W. and Shendel D. Strategy Formulation: Analytical Concepts. St. Paul, MN: West Publishing Company, 1978.
7. Исаев Р.А. Тўқимачилик саноати корхоналарида интеграциялашган сифат менежменти ва стратегик бошқарииш тизимининг концептуал асослари // Бизнес-эксперт. – Тошкент. №3. – 2021. – 7-9 б.

ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ ХОДИМЛАРИ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛИЁТГА ҚҰЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

Тожибоева Нафисахон Раҳмиддин қизи -
Андижон қишлоқ ҳўжалиги ва агротехнологиялар
институти таянч докторанти

Аннотация. Мақолада пахта-тўқимачилик кластери ходимлари салоҳиятини ривожлантириш стратегиясини амалиётга қўллаш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиши масаласи ўрганилган

Ключевые слова: пахта-тўқимачилик кластери, ходим, стратегия, меҳнат салоҳияти.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ РЕАЛИЗАЦИИ СТРАТЕГИИ РАЗВИТИЯ ПОТЕНЦИАЛА ПЕРСОНАЛОВ ХЛОПКОВО-ТЕКСТИЛЬНОГО КЛАСТЕРА

Таджибаева Нафисахон Раҳмиддин кызы -
Базовый докторант Андижанского института
сельского хозяйства и агротехнологии

Аннотация. В статье исследуется вопрос разработки рекомендаций и предложений по практической реализации стратегии развития потенциала персоналов хлопково-текстильного кластера.

Ключевые слова: хлопково-текстильный кластер, сотрудник, стратегия, трудовой потенциал.